



2

2013 у.р. "25" декабр № 1536-К.

Сamarqand t-p Самарканд

“Мотрид агротехсервис” ММТП худудида жойлашган Самарқанд Марказий ўрмон хўжалиги “Дахбед” участкасидан фуқаро Ахмедов Фурқатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш ҳақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 29 ноябрдаги 169 сонли хулосаси, Ўзбекистон Республикаси “Қишлоққурилишлойиха” масъулияти чекланган жамиятининг 2011 йил 8 ноябрдаги 494-сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қумитасининг 2013 йил 8 ноябрдаги 1072-сонли хулосаси, фуқаро Ахмедов Фурқатни туман ҳокимлигига берган аризаси, Самарқанд Марказий ўрмон хўжалигининг 2011 йил 4 апрелдаги 2-сонли баёни, тўпланган барча ҳужжатлар тўплами ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 29 ноябрдаги 169 сонли хулосаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Ахмедов Фурқатга «Мотрид агротехсервис» ММТП худудида жойлашган Самарқанд Марказий ўрмон хўжалиги «Дахбед» участкаси ер харитасининг 46 контуридан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 1,0 га (шундан: 1,0 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Ахмедов Фурқатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т. Шаропов)га топширилсин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев